

“ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ”ДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛАБАЙ ВА МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ғафуров Асилбек Аваз ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 308-ўқув гуруҳи
курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида маҳалла даражасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда бевосита профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда Республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларнинг, шунингдек, суд органларининг профилактика инспектори билан ҳамкорлик шакллари ҳуқуқий жиҳатдан очиб берилган. Мақолада республика миқёсида ўтказилган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”нинг амалий самарадорлиги, хусусан, миграцион ва маъмурий амалиёт йўналишидаги ислохотлар натижалари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан профилактика инспекторининг пайшанба кунги фаолиятини расмийликдан холи қилиш, ижтимоий профилактикани кучайтириш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш ва диний оқимларнинг олдини олишда маҳалла раиси ҳамда масжид имоми билан ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича 6 та муҳим амалий таклиф илгари сурилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни, маҳаллабай, манзилли ишлаш, идоралараро мувофиқлаштириш, рақамлаштириш, ижтимоий профилактика, уюшмаган ёшлар, ҳуқуқий тарғибот.

Abstract: This article analyzes the issues of organizing and coordinating the activities of the direct prevention inspector in the early prevention of offenses at the mahalla level within the framework of "Crime Prevention Day." The study reveals the legal forms of interaction between the Republican and regional interdepartmental commissions, as well as judicial bodies, and the prevention inspector. The article analyzes the practical effectiveness of the "Crime Prevention Day" held at the national level, specifically the results of reforms in migration and administrative practice. The author puts forward 6 important practical proposals to elevate the cooperation of the prevention inspector with the mahalla chairman and the mosque imam to a qualitatively new level in de-formalising the activities of the prevention inspector on Thursday, strengthening social prevention, ensuring the employment of unorganized youth and preventing religious movements.

Keywords: Prevention Inspector, Crime Prevention Day, Mahallabay, targeted work, interdepartmental coordination, digitalization, social prevention, unorganized youth, legal advocacy.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, уларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Айнан шу талаб тизимда амалга оширилган ва давом этиб келаётган ислоҳотларнинг асоси ва мақсади бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ манфаатларига хизматқилиш, чинакам халқчил, халқпарвар бўлиш ички ишлар органлари фаолиятининг бош мезони бўлиб қолиши лозим”.¹²³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди ва ушбу кунда қуйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди:

1) ҳуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

2) қонунийлик аҳволини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш;

3) ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказиш;

4) аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш;

¹²³ <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-zhinoyatlar-soni-kam-b-lgan-davlatlar-atorida-25-10-2019>

5) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

6) махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

7) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш.¹²⁴

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ва ҳудудий идоралараро комиссиялари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»да амалга ошириладиган фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Бу борада Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси нафақат «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни ташкил этиш, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Бу борада комиссиянинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

1) қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунларини ўтказиш бўйича намунавий дастурни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

3) ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

4) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

¹²⁴ <https://lex.uz/docs/3141186> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-қарори.

5) жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;

6) жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

7) тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

8) ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

9) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

10) ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Комиссия ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари бажаради.

Ишчи орган:

Комиссия иш режаларини ишлаб чиқади, уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, шунингдек тасдиқланган режага мувофиқ Комиссиянинг жорий фаолиятини ташкил этади;

Комиссия йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича материалларнинг тайёрланишини ташкил қилади;

Комиссия ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссия қарорларининг ижроси устидан назорат ва мониторингни ташкил қилади;

келиб тушаётган хат ва ҳужжатларни кўриб чиқилишини ташкил қилади, ёзишмаларни ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлашни амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Комиссия фаолиятини ташкилий-техник таъминлашни амалга оширади.

Ишчи орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ваколатли органлар ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида

Комиссияга ҳар чоракда:

жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни;

жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этишади. Комиссия қарорлари тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга юборилади. Уларнинг раҳбарлари Комиссия қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши учун жавобгардир.

Комиссия қарорларини сифатли бажариш мақсадида ваколатли органлар ва муассасалар раҳбарлари томонидан уларнинг ижро этилиши юзасидан мониторинг ва назорат ташкил этилади.

Комиссиянинг судлар билан ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бу борада, судлар билан ҳамкорлик қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

- ахборот алмашинуви ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда суд-тергов статистика маълумотлари, суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллаштирилишини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

- қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

- ҳамкорликда семинар, «давра суҳбати» ва конференциялар ўтказиш, ваколатли органлар ва муассасалар ходимларининг малакасини ошириш ишида иштирок этиш;

- тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга ҳамкорликдаги ахборот хатлари, кўрсатмалар, маълумотнома ва шарҳларни юбориш.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»да амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар республика ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади.

2025 йилда республиканинг барча ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) тизимли равишда 52 маротаба умуммиллий Профилактика куни ташкил этилган ва ўтказилган.

Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли Қарори («2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида») асосида,

республикадаги мавжуд 9 400 дан ортиқ маҳаллаларнинг барчасида “хонадонбай” ва “маҳаллабай” тизимида амалга оширилди.

2025 йилда ушбу тадбирларнинг самарадорлиги аввалги йиллардан тубдан фарқ қилди. Сабаби — тизимга янги рақамли технологиялар, тузилмавий ўзгаришлар ва виктимологик баҳолаш механизмлари киритилди:

Президентнинг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-71-сонли Фармонига асосан, профилактика инспекторлари босқичма-босқич бодикамералар ва «Е-патруль» тизими билан тўлиқ таъминланди. Бу профилактика куни доирасида фуқаролар билан мулоқотнинг шаффофлигини ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш платформалари интеграциясини таъминлади. 2025 йил 1 апрелдан бошлаб профилактика бўлинмалари таркибида янги Миграцион профилактика бўлинмалари ва Маъмурий амалиёт гуруҳлари иш бошлади. Профилактика куни доирасида миграция соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш тезкорлиги 35-40% га ошди.¹²⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги 754-сонли Қарори («Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом) асосида, профилактика кунларида асосий урғу расмий текширувлардан ижтимоий ҳимояга қаратилди. Мунтазам тазйиққа учраётган хотин-қизлар, пробация ҳисобидагилар ва ишсиз ёшлар билан алоҳида “манзилли суҳбатлар” ўтказилди. Ҳар чорак якуни бўйича маҳаллалардаги жиноятчилик вазияти учун масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари бевосита Бош прокурор ва Бош вазир ҳузурида муҳокама қилинадиган қатъий тизим кучга кирди. Натижада, республика бўйича «қизил» тоифага кирувчи (криминоген вазияти оғир) маҳаллалар сони сезиларли даражада камайди.

Профилактика инспекторлари пайшанба “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни”да қуйидаги тадбирларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу таклифлар қуйидагилар:

Биринчидан, пайшанба куни профилактика инспекторларининг профилактик рўйхатида турувчи шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб бориш.

Иккинчидан, пайшанба куни ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида маҳалла ҳудудида спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Учинчидан, профилактика инспекторлари маҳалласи ҳудудида содир этилган жиноят бўйича мактабларга бориб маҳаллада содир этилган жиноятлар ҳақида ҳабар бериб ва қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича ҳуқуқий тарғиботни олиб бориш.

Тўртинчидан, ҳар пайшанба куни биттадан уюлмаган ёшларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини олиб бориш.

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг (ИИБ ЖХД ХПХ) 2025 йил якунлари бўйича эълон қилинган расмий матбуот анжумани материаллари ва ЎЗА (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги) таҳлилий маълумотлари.

Бешинчидан, таълим муассасаларида масжид имоми билан биргаликда ёшларга ҳар хил диний оқимларга кириб кетишини олдини олиш мақсадида учрашувлар ўтказиш.

Олтинчидан, ҳар пайшанба ижтимоий профилактика доирасида маҳалла раиси билан биргаликда яққа ёлғиз яшовчи кекса ёшдаги фуқароларнинг ҳолидан хабар олиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Republicasining «Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida»gi 2014 yil 14 may qonuni // URL: <http://www.lex.uz>.

2. O'zbekiston Republicasi IIV Akademiyasining axborotnomasi. — 2021. — № 3. B. 58-59.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2025 йилдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Lex.uz).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.12.2025 йилдаги “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори ва унинг 2-илоvasи // Миллий қонунчилик базаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг (ИИБ ЖХД ҲПХ) 2025 йил якунлари бўйича эълон қилинган расмий матбуот анжумани материаллари ва ЎЗА (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги) таҳлилий маълумотлари.